

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**71** **Микрокредит ташкилотларида аудит текширувлари-  
ни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш  
ва қўшимча киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил  
18 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2379-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги ва 2015 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-396-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 23 июндаги 19/4-сонли қарори (рўйхат рақами 2379, 2012 йил 17 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 341-модда) билан тасдиқланган Микрокредит ташкилотларида аудит текширувларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2016 йил 6 февраль  
2/1-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг 2016 йил  
6 февралдаги 2/1-сонли қарорига  
ИЛОВА

**Микрокредит ташкилотларида аудит текширувларини  
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимча**

1. 13-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Микрокредит ташкилотлари ҳар йилги молиявий ҳисоботни уларнинг юқори бошқарув органининг йиллик умумий йиғилиши ўтказилади-

ган санадан камида икки ҳафта олдин ижобий аудиторлик хулосаси билан бирга эълон қилиши шарт.».

2. Қуйидаги мазмундаги 26<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«26<sup>1</sup>. Аудиторлик хулосаси аудиторлик текширувини ўтказган аудитор (аудиторлар), аудиторлик ташкилотининг раҳбари томонидан имзоланган ва аудиторлик ташкилоти муҳри билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланган бўлиши керак.».